

«Toshkent qishloq xo'jalik mahsulotlari ulgurji bozori» АЖ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁНИ

2018 йил 27 апрел

Тошкент шаҳри

Овоз берувчи акциялар сони: 1226180

Акциядорларнинг 2017 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Бектемир тумани Тошкент автомобил халка йули манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2018 йил 27 апрел куни ўтказилди. Йиғилишда 1 165 257 овозга эга 14та акциядор катнашди, бу жами акциядорларнинг 95,03% ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 92,76%га эгаллик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутахассиси Хайдаров Бахтияр Тулкинович катнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Б.Т.Хайдаров – Тошкент шаҳар ҳокимияти, мутахассиси

Т.К.Камолов - "Тошбозорсавдо" уюшмаси инвестиция бўлими бошлиғи

Ж.Б.Алматов. – «Toshkent qishloq xo'jalik mahsulotlari ulgurji bozori» АЖ директори в.б.

Йиғилишга жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзоси Т.Камолов раислик қилди.

Т.Камолов йиғилиш ўтказиш учун кворум 95,03 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш катнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, И.Абдурахмонова номзоди таклиф этилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, Т.Камолов йиғилишга санок комиссияси сайлаб олиш лозимлиги ҳақида айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган М.Эшбаева, Ш.Мансурова ва Г.Шайдуллаеваларини овозга қўйди.

Санок комиссияси юқоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Т.Камолов умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришни бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. Жамиятнинг 2017 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.
4. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб-варағини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.
6. Жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаи режаси»ни тасдиқлаш.

7. Жамият директори билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини узайтириш.
8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.
9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

Йиғилиш раиси, Т.Камолов кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент қўйидагича бўлиши хақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 15 минут, қолган масалаларга 5-10 минут, муҳокамада сўзга чиқувчилар учун 3-5 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши хақида тушунча берилди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан мажлис раиси Т.Камолов сўзини жамият директори в.б.Ж.Алматовга берди.

Ж.Алматов сўзга чиқиб, «Toshkent qishloq xo'jalik mahsulotlari ulgurji bozori» АЖнинг 2017 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича қўйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 майдаги 112-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» АЖ ҳудудида «Замонавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи савдо мажмуаси қурилиши» ишлари 2017 йил мобайнида ҳам давом эттирилиб келинди.

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» 2017 йил молиявий фаолияти давомида аҳолига, тadbirkorларга, сотувчиларга, деҳқон-фермерларга жой хақи хизматлари, хизматлар, бино-иншоотларни ижарага бериш хизматларини ташкил қилиб келган.

Жамиятнинг 2017 йилга белгиланган жаъми даромадлари режаси 4470000 м.сум бўлиб, шу жумладан жой хақи режаси 1723100 м.сум, хизмат хақи режаси 1034900 м.сум, Ижара даромади режаси 1664000 м.сум, СХК даромади режаси 48000 м.сумни ташкил қилган. Ҳақиқатда жой хақи 1912006,5 м.сум режага нисбатан 188906,5 м.сум сумга, ортик, хизмат хақи 1112293,8 м.сум режага нисбатан 77393,8 м.сумга ортик, ижара даромади 1801336,9 м.сумга режага нисбатан 137336,9 м.сумга ортик бажарилган.

Жаъми даромадлар 4872968,3 м.сумни ташкил қилиб, режага нисбатан 402968,3 м.сумга ортик суммага бажарилишига эришилган.

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» АЖнинг 2017 йилги фаолияти бўйича жой ва хизмат хақи даромадлари жами даромадларнинг 62%ини, ижара даромади эса 37%ини, бошқа даромадлар жами даромаднинг 1%ини ташкил қилади.

2017 йил мобайнида жаъми хизматлар суммаси 1112293,8 м.сум бўлиб, бундан тарозилар даромади 318736,4 м.сум, аравалар даромади 599051,1 м.сум, х/хона хизмати даромади 125343,2 м.сум, юк ортинш майдони хизмати даромади 69163,1 м.сумни ташкил қилади.

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» АЖ 2017 йил молиявий хўжалик фаолияти давомида савдо жойлари 194 та бўлиб, бундан 144 таси юк автомашиналари дебаркадерлари, 50 таси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо жойлари (шийпон) 57 та савдо бокслари, 44 та тара уров материаллари савдоси учун контейнерлар, 40 та электрон тарози, 130 та юк аравалари, маншій хизмат курсатиш, умумий овқатланиш савдо дуқонлари сотувчиларга, харидорларга аҳолига хизмат курсатиб келмоқда.

2017 йил молиявий хужалик фаолияти бўйича ҳисобланган жаъми солиқ ва мажбурий ажратмалар суммаси 2521761,1 м.сумни ташкил қилади, шу жумладан 3,5% мажбурий ажратма 170553,9 м.сум, 50%лик ажратма 2351207,2 м.сум.

Жамият томонидан фаолият бўйича ҳисобланган солиқ ва мажбурий ажратмалар ўз вақтида тулиқ тулаб келинган.

Жамият бўйича 2017 йил давомида мавжуд бино-иншоотларни ажарага бериш борасида 146 та шартнома тузилган бўлиб, булардан 1 та савдо дукони, 10 та умумий овқатланиш 9 та маншій хизмат, 126 та бошқа турдагиларни ташкил этади, тузилган ижара шартномалари асосида 1801336,9 м.сум даромад олинган.

Жамият савдо харид корхонаси тасаруфида 1 та улгуржи савдо омборхонаси мавжуд бўлиб, 2017 йил товар айланмаси 447100,6 м.сумни ташкил қилган. 2017 йил молиявий хужалик фаолияти бўйича жамият жами дебитор қарз суммалари 1038479 м.сум, жами кредитор қарз суммалари 1898625,3 м.сумни ташкил этади.

«Тошкент кишлоқ хужалик маҳсулотлари улгуржи бозори» АЖнинг 2017 йил молиявий хужалик фаолияти бўйича жами харажатлари режаси 2098720 м.сум миқдорида белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 2211764,6 м.сумни ташкил қилди. 113044,6 м.сум ортиқча сарф-харажат асосан 52862,8 м.сумлик асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ҳисобига 11100 м.сум мулкни баҳолаш, 21808,3 м.сум молиявий фаолиятни текширув далолатномаси ва бошқалар ҳисобига юзага келган.

2017 йилда жамият томонидан жами 1014291,6 м.сум ҳодимларга иш ҳақи ҳисобланган бўлиб, (126 та ҳодим) бир ойлик уртача иш ҳақи 670-680 м.сумни ташкил қилган.

«Тошкент кишлоқ хужалик маҳсулотлари улгуржи бозори» АЖнинг 2017 йилги молиявий хужалик фаолияти якуни бўйича 139442,6 м.сум соф фойда олинган бўлиб, белгиланган режага нисбатан 81392,6 м.сум ортиқ соф фойда олинishiга эришилган.

Шу билан бир каторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хужалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 207-сонли қарорида «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва қўллаш ҳамда тақдим этилган рақамларга асосан 2017 йил якунлари бўйича олинган СЙК (КПЭ) = 80,12% ташкил этаётганлиги (режа бўйича 100% бўлиши керак) боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма қўрсаткичларига асосан, урта даражада деб топилди.

Жамият коллективи белгиланган режа тошширикларини ортиги билан бажариш, юксак натижаларга эришиш учун барча имкониятларни ишга солади.

Қўш тартибдаги масала юзасидан қўзатув кенгаши аъзоси Т.Қ.Қамоллов сўнга чиқиб, жамият Қўзатув кенгашининг 2017 йил мобайнида олиб борган фаолияти бўйича батафсил тўхталди. Жамият ишомига мувофиқ жамиятнинг 2017 йилга тасдиқланган йиллик бизнес – режа бажарилишининг бориши тўғрисида жамият ижро этувчи раҳбарининг ҳисоботлари ҳар чоракда эшитилди. Жамият ижро этувчи орган томонидан ҳар чоракда берилган ҳисоботларда мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ишларини жадаллаштириш ва бундай қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва харажатлар сметасида белгиланган харажатлардан ортиқ харажатга йўл қўймаслик ҳамда ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган фармонлар, фармойишлар ва буйруқларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилади. Шунингдек, Ўз навбатида Қўзатув кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорларни ижроси, назорати ва бажарилиши ижроя орган директорида талаб этилди. Акциядорлик жамиятлари қонунига асосан жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган бизнес – режаси 2017 йил 30 ноябрида Қўзатув кенгаши мажлисида маъқулланди, тасдиқлаш учун 2018 йил 27 апрелдаги акциядорлар умумий йиғилишини қўш тартибига

киритилди. Жамият ижроия органи томонидан барча ҳужжатлар ҳеч қандай тўсиқларсиз Кузатув кенгашига бериб берилди. 2017 йил мобайнида "Тошкент кишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгаржи бозори" АЖ Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятлари қонуни ва жамият инзомунага мувофиқ ваколати доирасидаги масалаларни Кузатув кенгаш мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисида умумий мажлис қатнашчиларига таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Йигилиш қун тартибидаги иккинчи масала бўйича «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖнинг 2017 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви ҳулосасини жамият бош ҳисобчиси Каримов А.Д. ўқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилигига мувофиқ келиши ҳақидаги 2017 йил 10 апрелдаги ижобий ҳулоса берилгани ҳақида маълумот берди. (аудиторлик текшируви ҳулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йигилиш қун тартибидаги учинчи масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси раиси К.Шаринов тафтиш комиссияси ҳулосасини йигилганларга ўқиб эшиттирди, жумладан, жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудитори «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖнинг 2018 йил 10 апрелдаги ижобий аудиторлик ҳулосасига асосланиб:

-жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини;

-бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлигини;

-афилланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини эътироф этишини маълум қилди. (тафтиш хайъатининг ҳулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Қун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош муҳосиб А.Каримовга берди.

Жамият бош муҳосиб А.Каримов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йил молиявий – хўжалик ҳисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

(минг сумда)

Актив	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1. Узоқ муддатли активлар		
Асосий воситалар:		
- Бошланғич қиймати	2146048,6	2079831,1
- Эскириш суммаси	634894,6	714124,8
- Қолдиқ қиймати	1511154	1365706,3

Узок муддатли инвестициялар жаъми	233196,4	233196,4
- кимматли қозғалар	24139,4	24139,4
- Бошқа узок муддатли инвестициялар	209057	209057
I-булим бўйича жаъми	1744350,4	1598902,7
II. Жорий активлар		
Товар-моддий захиралари жаъми	56677,5	835176
- ишлаб чиқариш захиралари	1050,6	
- товарлар	55626,9	835176
- келгуси давр харажатлари	2210,6	2686,3
- кечиктирилган харажатлар	10738,7	15202,5
Дебиторлар жаъми	537175,8	1038479
- харидор ва буюртмачилар қарзи	96433,8	149399,7
- ходимларга берилган бунақлар	12418,4	12943,5
- мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунақлар	261807,5	260004,9
- Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бунақ туловлари	21280,5	543465,8
- Бошқа дебиторлик қарзлари	145235,6	72665,1
Пул маблағлари жаъми	167798,1	358001,4
- ҳисоб счётидаги пул маблағлари	164581,1	354784,4
- Бошқа пул маблағлари	3217	3217
- Қисқа муддатли инвестициялар	774600,7	2249545,2
II. Булим бўйича жаъми	2518951,1	3848447,9
Баланс активи бўйича жаъми		
Пассив		
I. Уз маблағлари манбалари		
- Устав капитали	1806575,2	1806575,3
- резерв капитали	413939,1	410140,5
- тақсимланмаган фойда	-501134,7	-361692,1
- мақсадли тушумлар	94798,9	94798,9
I-булим бўйича жаъми	1814178,5	1949822,6
II. Мажбуриятлар		
Жорий мажбуриятлар жаъми	704772,6	1898625,3
ш.ж. жорий кредиторлик қарзлари	704772,6	1898625,3
- мол етказиб берувчиларга қарзи		160176
- ажратилган булинмаларга қарз		
- кечиктирилган даромадлар		
- олинган бунақлар	546712,3	1549333,8
- Бюджетга туловлар бўйича қарз	7179,5	6465,6
- мақсадли давлат жамғарма тулов қарзи	47859,7	49158,8
- таъсисчиларга бўлган қарзлар	689,3	689,3
- меҳнатга тулаш бўйича қарз	74395,2	75165,8
- қисқа муддатли қарзлар		
- бошқа кредиторлик қарзлари	27936,6	57636
II-булим бўйича жаъми	704772,6	1898625,3
Баланс пассиви бўйича жаъми	2518951,1	848447,9

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Қун тартибидаги бешинчи масала юзасидан мажлис раиси сўзини жамият бош муҳосибни А.Каримов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш ҳақида қуйидагиларни маълум қилди:

Жамиятнинг 2017 йил якуни натижаларига кура

Жами даромадлари -4872968,3 минг сум

Мажбурий ажратмалар ва соликлар – 2521761,1 минг сум

Жами харажатлари – 2211764,6 минг сум

Соф фойда -139442,6 минг сум

"Тошкент кишлоқ хўжалик маҳсулотлари улғаржи бозори" АЖ ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 112-сонли 7 май 2015 йил қарори асосида замонавий кишлоқ хўжалик маҳсулотлари улғуржи савдо мажмуаси (Гипермаркет) қурилиши муносабати билан 2015-2016 молнавий йилларда зарар қурилган. Жамият бош муҳосибни жамият айланима маблағларни етишмаслигини олдини олиш, молнавий барқарорликни сақлаб қолиш, ҳамда 01.01.2018 йил ҳолатига жамият балансида мавжуд бўлган 361692,1 минг сум қопланмаган зарарни қоплашга йўналтиришга таклиф ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги олтинчи масала бўйича сўзни жамият директори в.б. Ж.Алматов ва жамият бош муҳосибни А.Каримовга берди. Ж.Алматов сўзга чиқиб, жамиятни 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси», ҳамда А.Каримов сўзга чиқиб жамиятнинг 2018 йил "Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси" билан тўлиқ таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгашининг 2018 йил 20 апрелда бўлиб ўтган мажлис баёнига асосан жамият директори Б.Акбаровнинг сўзларини тиклаш тугрисидаги аризасини инобатга олиб жамият директори вазифасидан озод этилганлигини мажлис катташчиларига маълум қилди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, жамият акциядорлари сони беш юздан кам бўлганлиги боис жамият низомига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари 5 кишидан иборат бўлишларини, жамият Кузатув кенгаши аъзоллигига номзодлар билан бюллетенда номлари қайд этилган Кузатув кенгаши аъзоларига кумулятив тарзда овоз беришларини эътироф этиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан сўзни мажлис раиси сўзга чиқиб, жамиятни 2016 йил учун Тафтиш комиссиясига қўйидаги номзодлар Шарипов Камол Джураевич, Абдухоликова Барно Сайдаминовна ва Ибрагимова Гулчехралар номзодлари қўйилганлигини билдириб, тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидagi ўнинчи масала юзасидан жамият кимматли қозғалар бўйича мутахассиси И.Абдурахмонова сўзга чиқиб Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари билан таништириб ўтди. Жамият 2017 йил якунилари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижалари бўйича “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан текширилиб баҳоланганлиги, хулоса натижаларига кўра корпоратив бошқаруви бўйича 9-йўналишда -313 “пас” баҳо берилганлиги, фонд шкала -26% ташкил этилганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидagi барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис муҳокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани санок комиссия раиси М.Х.Эшбаева ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

№	Кун тартиби	«Ёқлайман»		«Қаршиман»		«Бетараф-ман»		Овоз бермаганлар		Хакикий эмаслар	
1	Масала	1 165 257	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
2	Масала	1 165 257	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
3	Масала	1 165 257	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
4	Масала	1 165 257	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
5	Масала	1 165 257	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Масала	1 165 257	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
7	Масала	0	0	1 165 257	100 %	0	0	0	0	0	0
8	Масала	1 165 257	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.1	Латипов Ж.М.	1 165 257				0	0	0	0	0	0
8.2	Каримов М.Р	1 165 257				0	0	0	0	0	0
8.3	Турабеков М.У	1 165 257				0	0	0	0	0	0
8.4	Ибрахимов Т.С	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
8.5	Кодиров М.Т.	1 165 257				0	0	0	0	0	0
8.6	Камолтов Т.К	1 165 257				0	0	0	0	0	0
8.7	Ерматов А.	1 165 257				0	0	0	0	0	0
8.8	Эргашев Ш.Д.	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
8.9	Салямов Х.А.	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
9	Масала	1 165 257	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
9.1	Шарипов К.Д	1 165 257		0	0	0	0	0	0	0	0
9.2	Абдухоликова Б.С.	1 165 257		0	0	0	0	0	0	0	0
9.3	Ибрагимова Г.	1 165 257		0	0	0	0	0	0	0	0
10	Масала	1 165 257	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0

Қарор қабул қилади.

1. «Тошкент кишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 1165257 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
2. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «FTF-LEA-AUDIT»МЧЖнинг 2018 йил 10 апрелдаги аудиторлик ижобий фикр хулосаси инобатга олинсин (ёқлаган 1165257 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2017 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида

- белгиланган талабларга рноя этилиши юзасидан хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 1165257 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
4. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 1165257 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ)
5. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича кўрилган 235 613.6 минг сўм зарари ҳисобварағи инобатга олинсин ва тасдиқлансин(ёқлаган 1165257 та овоз – 100 % қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
6. Жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият директори в.б. (Ж.Алматовга)га «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин (ёқлаган 1165257 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ)
7. Жамият директори Б.Акбаров акциядорларнинг 2018 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилишига қадар меҳнат шартномаси узайтирилсин (ёқлаган 0 та овоз – 0 қарши – 1165257 – 100%, бетараф– йўқ).
8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:
- | | |
|-------------------------------------|------------------|
| 8.1.Латипов Жамшид Маратович | 1165257- та овоз |
| 8.2 Каримов Малик Рахимович | 1165257- та овоз |
| 8.3 Тўрабеков Машраббек Улуғбекович | 1165257- та овоз |
| 8.4 Кодиров Мумин Тулаганович. | 1165257- та овоз |
| 8.5 Камолов Толмас Каримович | 1165257- та овоз |
| 8.6. Ибрагимов Тулкин Собитович | 0- та овоз |
| 8.7. Ерматов Абдухалил | 0- та овоз |
| 8.8 Эргашев Шухрат Дадахонович | 0-та овоз |
| 8.9.Салямов Хамидулла | 0 та овоз |
9. Жамият Тафтиш комиссияси таркиби тасдиқлансин.
- | | |
|-------------------------------------|------------------|
| 9.1 Шарипов Камол Джураевич | 1165257- та овоз |
| 9.2 Абдухоликова Барно Сайдаминовна | 1165257- та овоз |
| 9.3 Ибрагимова Гулчехра | 1165257- та овоз |
- 10 Жамият “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси -313 “паст” баҳо, фоиз шкала -26% баҳоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида берилган паст кўрсаткич натижаларини яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёқлаган 1165257 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
- 11 Жамият директори в.б. Ж.Алматовга мазкур йиғилиш қарорини бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Мажлис раиси

Т.К.Камолов

Мажлис котиби

И.Абдурахмонова